

Ўн саккизинчи довон

Яна санокли кунлардан сўнг Ватанимиз Мустақиллигининг ўн саккиз йиллиги байрамини нишонлаймиз. Халқимиз мана шу тарихан қисқа давр ичида ошиб ўтган катта довоннинг миллий тараққиётдаги салмоқли натижалари ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда намоёндыр. Бу даврда эришилган залворли ютуқлар халқаро кўламда ҳам эътироф этилиб тургани бор ҳақиқат.

Исмомл САИФНАЗАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуночилик палатаси Спикери ўринбосари

Авалло, мана шу ўн саккиз йилда сафимизга бутунлай янги бир авлод келиб қўшилди. Улар ўн саккиз ёшлилар авлоди. Бу авлоднинг онгу тафаккури истиқлол йилларида шаклланди. Улар шу йилларнинг катта ҳақиқатларини кўриб, ҳис этиб, истиқлол яратган катта имкониятлардан баҳраманд ҳолда улғайди.



18

Истиқлолни соғиниб яшаган ва унга муассар бўлганидан қалбида ифтихор билан яшайётган катта авлод ўн саккиз ёшлилар авлоднинг бўли ёруғ, нисови кенг, тафаккури теран бўлаб улғайиш учун амалга оширган ишларга бир назар соғайлик-чи, кўз олдимизда қандай намуналар ҳосил бўларкин?!

МАНГЛАЙИ ЁРУҒ АВЛОД

Ўн саккиз ёшлилар авлоди истиқлол даврида қўрилган янги ва обод мактабларда, янги замоннинг нафаси уфуриб турган дарслик ва адабиётларни ўқиб камол топаётди. Улар мактабларни битиргувчиларига қадар ҳар бир туманининг энг обод жойида гўзал коллеж ва лицейларнинг парвозга шайланган қўшдек чиройли кўринувчи янги мажмуалари, муҳташам спорт заллари қад кўтарди. Бундай ёруғ ва шинам даргоҳларда истиқлол сабоғини олган ёшларнинг энг пешқадам вакилларини катта шаҳарлар ва пойтахтдаги олий ўқув юртлири кучоқ очиб кутиб олаётганининг ўзи энг катта бахт эмасми?

Истиқлол йилларида лойиҳаси яратилиб, қурила бошлаган улуг бунёдкорлик ишлари — Қизилқум ва Устюрт сирҳоси, юксак Ҳисору Қамчиқ доволарини ошиб ўтган янги авто ва темир йўлларнинг бунёдкорлари ҳам улар

ва уларнинг тенглошлари бўлажак. Ойдин келажакнинг нури ҳалқалари мана шу йўлларда туташмоқда.

Яқинда мен Янгиер шаҳридан ўтиётиб, шу ойдин ҳалқанинг яна бир бўғини — катта бунёдкорлик жараёнини кўрдим. Бу ерда Янгиер ва Жиззахни электрлашган икки томонлама пўлат из билан боғловчи янги темир йўл трассаси қурилиши шитоб билан бошланибди. Бу йўлдан ҳозирги «Регистон», «Шарқ» ва «Насоф» каби тезувар поездларгина эмас, бутун Япония ва Испания каби ривожланган хориж мамлакатларида йўловчилар узоғини ақин қилаётган, соатига 250-400 километр йўл босувчи замонавий экспресслар қатнар экан. Бу истиқлолимиз яратган мўъжизаларнинг айни ўзи эмасми?

Бугунги ўн саккиз ёшлиларнинг олдинги қатори Ватан мудофазчилари сафидан ўрин олишмоқда, маря йилгиларнинг жанговар қаторларини тўлдирмоқда. Улар муқаддас Ватанимизнинг ҳақиқий посбонлари бўлиб етишадилар. Ватан мудофазчиси бўлишдан ҳам улуг ва шарафли иш йўқ дунёда. Ўтган ўн саккиз йил ичида тугилиб, шаклланиб, мустақил ва жанговар армияга айланиб улгурган Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ватан ҳимоячиларининг мустақкам таянчи. Ватанимиз ҳимоя-

ган ҳолда миллатнинг маънавий маданиятини, илму санъатини янада бойитишга уларнинг бурчи ва масъул деб ҳис этиладилар. Бу ўринда давлатимиз раҳбарининг «Юксак маънавият — энгилмас куч» китобида айтилган жуда кўп фикрлар маънавий коммуликка эришиш, миллат қадри ва обрўсини кўтарнишга ҳисса қўшиш учун нималарга эътибор қаратишимиз зарурлиги яна бир бор таъкидланганига эътибор берайлик.

Албатта, миллий маънавиятни шакллантиришда оила ва жамият, маҳалланинг, таълим-тарбия тизимининг мавқен алоҳида аҳамият касб этади. Таълимни тарбиядан ва тарбияни таълимдан ажратиб бўлмаслигига доир шарқона фалсафа ҳам маънавиятни шакллантирувчи асосий замон. Муаллиф таъкидлаганидек, бу борада Ватанга муҳаббат туйғуси, ўзликни англаш, миллий онг ва тафаккур, миллий урф-одатларимиз, тарихий-хотира, маънавий мерос, миллий бойликлар, кўнра тарихий ёдгорликлар, «Алпомиш» каби халқ оғзаки ижоди намуналари, муқаддас динимиз, буюк аждоқларимиз бемисл илмий-ижодий кашфиётларининг ўрни беқийсдыр.

Бу омилларни теран англай олган ва уни ўз ҳаётининг мазмунига айлантирган инсонгина комил инсон деб аталишга ҳақли. Маънавият юксак инсон Ватанини, ўз тугилиб ўсган юртини қанчалик севса, унинг боғ ва ўрмонлари, дарё-ю булоқлари, она табиатнинг бетакрор гўшаларини, ноёб ҳайвонот ва наботот оламини ҳам шу қадар севади ва эъзозлайди. Илм ва тафаккурни бойитишга, янги илмий кашфиётлари билан миллат салоҳиятини ўстиришга беқийс ҳисса қўша олади. Шу маънода, ўн саккизинчи довонга етиб келган бугунги ўн саккиз ёшлилардан умидимиз катта.

БУРЧДАН ОРТИҚ ШАРАФ ЙУҚ

Бугунги ўн саккиз ёшлилар идрок этадиган жиҳатлардан энг муҳими, бу — фидойиликдыр. Ватан келажаги, миллатимиз равнақи, осмонимиз бегуборлиги, тупроғимиз мусаффолиги учун ҳушёрлик ва фидойилик кўрсата билмоқлик шарафи бугунги ёш авлоднинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Давлатимиз раҳбари бу жиҳатни қуйилатича талқин этадилар: «Барчамизга айб бўлиши керакки, қардақи беларволики ва доқайлик ҳукми сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчилигимизга ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг оқим ва заиф нуқтага айланади. Ва ақсиччи — қарда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмиро бўлса, ўша ерда маънавият қудратли қуролга айланади».

Китобнинг «Энг буюк жасорат» деб номланган қисмида Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур, Платон, Маҳатма Гайди каби буюк сиймолар, Яҳё Фуломов, Зулфия, Озод Шарафиддинов каби улуг инсонларнинг маънавий жасоратларидаги бугунги ёшларимиз учун ниҳоятда ибратли жиҳатлар тилга олингани ҳам бежиз эмас. Муаллиф бугунги ёшларимизни уларга муносиб фарзандлар бўлиб камол топишга чақиради ва «Ватанга муҳаббат ҳисси кўзимизни, қалбимизни яшатаб турсин», деган ҳаётий давлатни илгари сурди.

... Ўн саккиз ёшлилар, Уларнинг келажагига ҳавас қиламиз. Уларнинг бахти — бизнинг бахтимиз! Улар ишонган тоғимиз ва кўрар қўзимиздыр. Ўн саккизинчи довондан ошмоқлик бахти ҳаммамизга муборак бўлсин!